

## Халқаро "Ёзги мактаб" ўз ишини онлайн шаклда бошлади

Ўзаро манфаатга асосланган ҳамкорликдаги фаолият соҳа тараққиётига хизмат қилиши аниқ. Илм-фаннынг ривожини таъминлайдиган мезон ҳам худди шу биландир. Ҳар қандай соҳанинг ривожланиш манбаи, илмий асоси назария, амалиёт ва илмий тадқиқотлар интеграцияси билан боғлиқ бўлишини давр тақозо қилаётгани сир эмас. Бусиз мақсад тўла-тўкис амалга ошмайди. Худди шу мақсадда бугун Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида Алма-ати шаҳрида жойлашган Қозоғистон-Немис университети (КНУ) ҳамда ТИҚХММИ магистратура босқичи талabalari учун мўлжалланган "Сув ресурсларини бошқариш асослари: назария, амалиёт ва илмий тадқиқотлар интеграцияси" мавзусида "Халқаро ёзги мактаб" ўз ишини онлайн шаклда бошлади. Халқаро ёзги мактаб ҳам тингловчилари Марказий Осиёнинг барча мамлакатларидан бўлган, шу жумладан, Афғонистонлик талabalарни ўз ичига олади. Мазкур ўзига хос халқаро ёзги мактабнинг мақсади қуйидагиларни ўз ичига олади:

- талabalарнинг кейинчалик, Марказий Осиё минтақаси худудида қўлланадиган билимлари ва қўнималарини мустаҳкамлаш;
- КНУ ва ТИҚХММИ талabalari ўртасида диалог учун платформа яратиш, ҳамда;
- Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг илмий-техник потенциалидан минтақавий салоҳиятни ривожланишда фойдаланиш.



Бугунги тантанали тадбир халқаро ёзги мактабнинг очилиши билан бирга яна бир қувончли воқеа, ТИҚХММИда "Сув ресурсларини интеграл бошқариш (СРИБ)" лабораториясини очилишига бағишиланди. Бу йил қаторасига учинчи марта (афсуски, коронавирус пандемияси шароити туфайли биринчи марта онлайн шаклда) ўтказилаётган халқаро ёзги мактаб ҳам, нафақат Ўзбекистон, балки минтақа учун ҳам нодир ҳисобланадиган янги СРИБ лабораторияси ҳам ТИҚХММИнинг "Сув таълим ва ҳамкорлик (SMART WATER)" лойиҳаси билан ҳамкорлиги натижаси ҳисобланади. Марказий Осиё минтақавий экологик маркази ва Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамкорлигига амалга оширилаётган "Сув таълими ва ҳамкорлик (SMART WATER)" лойиҳаси АҚШлари халқаро ҳамкорлик агентлиги (USAID) томонидан молиявий жиҳатдан қўллаб қувватланган.

Халқаро ёзги мактабни очилишига бағишиланган тантанали тадбирда ТИҚХММИ ректори проф. У.Умурзаков, АҚШнинг Ўзбекистондаги муҳтор ва фавқулодда элчиси Дэниел Розенблюм, Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирининг ўринbosари В.Ахмаджонов, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг ўринbosари У.Бегимқулов, Марказий Осиё минтақавий экологик маркази ижрочи директори З.Махмудов, КНУ ва ТИҚХММИ олимлари ва талabalari иштирок этдилар. Тантанали тадбирдаги сўзида ТИҚХММИ ректори проф. У.Умурзаков ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармонида белгиланган Олий таълим тизимида халқаро ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш борасидаги вазифаларнинг ижроси ўрнида ҳам алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.



Тадбирда АҚШнинг Ўзбекистондаги муҳтор ва фавқулодда элчиси Дэниел Розенблюм ўз нутқида муҳим муаммоларни ҳал этишда илмий заминга қурилган ўзаро ҳамжиҳатлик, мазкур ривожлантираётган имкониятлар бутун минтақа салоҳияти тараққиётида катта роль ўйнашини эътироф этди. Сўнгра тадбир давомида Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирининг ўринbosари Воҳиджон Ахмаджонов, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг илм-фан буйича ўринbosари Узоқбой Бегимқулов, Марказий Осиё Минтақавий экологик маркази ижрочи директори Зафар Маҳмудов, Қозоқ-немис университетининг табиий сув ресурслари дастури координатори

Марҳабо Ёдалиева, институт проректори, профессор Абдуҳаким Салоҳиддиновлар ўз йўналишлари бўйича мавзу моҳиятига дахлдор мулоҳазаларини билдириб ўтдилар. Тадбир меҳмонлар халқаро ёзги мактаб ишига ва янги яратилган лаборатория фаолиятига омад ва муваффақият тиладилар. Халқаро ёзги мактаб ўз ишини икки ҳафта (17-28 август) давом эттиради.

**ТИҚҲММИ матбуот хизмати**